

КРЕДИТ МОДУЛ ТИЗИМИДА МУСТАҚИЛ ИШЛАР ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

Уринова Азиза Зиядуллаевна

Бухоро мухандислик-технология институти асистенти

[aziza.urinova.88@mail.ru\)](mailto:aziza.urinova.88@mail.ru)

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада Ўзбекистон Республикасининг кредит таълим тизимига ўтиши таълим соҳасининг дараҷалари, босқичлари, мустақил ишларни ташкил этиши таҳлилари келтириб ўтилган.

Калим сўзлар. кредит, модул, мустақил иш, илмий-тадқиқот, мустақил ижодий, касбий компетентсиялар.

АННОТАЦИЯ

В данной статье представлены уровни, этапы перехода на кредитную систему образования Республики Узбекистан, анализ организации самостоятельной работы.

Ключевые слова. кредит, модуль, самостоятельная работа, исследование, самостоятельное творчество, профессиональные компетенции.

THEORETICAL FOUNDATIONS OF ORGANIZING INDEPENDENT WORK IN A CREDIT-MODULAR SYSTEM

ANNOTATION

In this article, the levels, stages of the transition to the credit education system of the Republic of Uzbekistan, the analysis of the organization of independent work are presented.

Keywords. Credit, module, independent work, research, independent creative, professional competencies,

КИРИШ

Республикамизда сўнгти йилларда деярли ҳамма соҳаларда туб ислоҳатлар олиб борилмоқда. Айниқса таълим соҳасида олиб борилаётган ислоҳатлар, олий таълимни тизимли ислоҳ қилишнинг устувор йўналишларини белгилаш, замонавий билим ва юксак маънавий-ахлоқий фазилатларга эга, мустақил фикрлайдиган юқори малакали кадрлар тайёрлаш жараёнини сифат жиҳатидан янги босқичга қўтариш, олий таълимни модернизация қилиш, илғор таълим технологияларига асосланган ҳолда ижтимоий соҳа ва иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш бугунги кунинг ҳар бир ёш авлодга муҳим мақсад ва вазифалар қўйилмоқда. Шунга асосланган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Ш. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қўшимча чора тадбирлар тўғрисида 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон Фармонига мувофиқ, Олий та’лим муассасаларида кредит-модул тизимини жорий этиш ва кредит тўплаш ва кўчиришнинг Европа тизимини жорий этиш йўлда қўйилди. [1]

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Кредит таълими умумевропа таълим тизимининг муҳим таркибий қисми ҳисобланади. Ҳар бир ўқув фанига юклама ҳажмидан, келгусидаги касбий фаолияти учун муҳимлигидан келиб чиқиб кредит бали белгиланади. Талаба ҳар бир фанни муваффақиятли ўзлаштирган тақдирда белгиланган кредитларни олади ва бу кредитлар йиғиндиси унга мос бўлган бакалавр ёки магистрлик даражасини олишга имкон беради.

Кредит таълим тизимига ўтиш Ўзбекистон Республикасининг таълим соҳасининг даражалари, босқичлари, академик даражаларини аниқ баҳолашга имкон беради ва уларни шаффоф, ташҳисланадиган ва тан олинадиган ҳолатда келтирилади. Бу эса жаҳон та’лим мухитида қо’шилишнинг бош шартларидан бири ҳисобланади. [2]

Олий таълимнинг асосий вазифаси кредит та’лим тизими ўз-ўзини ривожлантириш, инноватсион фаолиятни ўз-ўзини тарбиялаш қобилиятига эга бўлган мутахассиснинг ижодий шахсини шакллантириш. Бунинг учун талабани пассив билим истеъмолчисидан муаммони шакллантириш, уни ечиш йўлларини таҳлил қилиш, оптимал натижани топиш ва унинг асослилигини исботлай оладиган фаол билим яратувчига ўtkазиш зарур.

НАТИЖАЛАР

Олий таълим тизимида амалга оширилаётган ислоҳотлар нуқтаи назаридан, биринчи навбатда, иккита асосий муаммони ҳал этишга қаратилган талабалар билан ишлашнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бу, биринчидан, ўкувчиларнинг фанни ўрганишга бўлган қизиқишини уйғотиш, иккинчидан, ўз-ўзини самарали ўрганишга таянган ҳолда, бўлажак мутахассисларнинг ижодий қобилияtlарини ривожлантиришдир. Шу сабабли кейинги йилларда олий таълимнинг ўзига хос хусусияти ўкув жараёнида талабаларнинг мустақил ишлари салмоғининг ортиб бориши бўлди. Айни пайтда мустақил ишлар олий таълим муассасаларининг кундалик амалиётига фаол жорий этилмоқда. Университетларда ўқитишнинг кредит та’лим технологиясида талабаларнинг мустақил ишларини ташкил этиш ва мустақил иш ўкув вақтининг 60% ни олади.

МУХОКАМА

Талабаларнинг мустақил ишлари улушининг кенгайиши ўкув жараёнига муаммоли-изланиш характерини беради, чунки талабаларнинг касбий йўналтирилганлиги ва ортиб бораётган даражага эга бўлган вазифаларнинг яхлит тизимини мустақил ҳал қилишда фаолроқ иштирок этиши мавжуд. Долзаблиги бу талабанинг мустақил иши бўлажак битирувчининг янада мураккаб фаолият турлари, усуллари ва мазмуни учун зарур бўлган қобилияtlарини ўз-ўзини ривожлантиришни таъминлайди.[3-4]

Аксарият олимларнинг фикрича, мустақил ишнинг мақсади - илгари олинган назарий билимлардан фойдаланган ҳолда ўқув, касбий ва илмий-тадқиқот муаммоларини ҳал қилишда мустақил ижодий фаолият қўникмаларини эгаллаш, зарур умумий маданий ва касбий компетентсияларни эгаллаш, улар бутун хаёти давомида яхшилашлари керак. Ўқиши жараёнида талаба мустақил равишда билим олишга, билиш фаолияти усусларини ўзлаштиришга, олган билим, қўникма ва эгаликларини амалий фаолиятда қўллашга ўрганиши керак. [5-6]

ХУЛОСА

Кридет модул тизимида, мустақил иш узлуксиз таълимнинг давлат миқёсидаги муҳим вазифаси сифатида қаралаётган бир пайтда, жамиятимизнинг босқичма-босқич ривожланишини ҳал қилувчи томонларидан биридир. Бу кечикиб бўлмас даражада республикамиздаги таълим муассасаларининг вазифасининг айрим қисмларини қайта кўриб чиқиши, шу асосда мустақил таълимни ривожлантиришни тақозо этади. Таълим оловчилар мустақил таълим жараёнида олган билимлари ҳисобига бундан кейин доимо ўз савиялари, малака ва қўникмаларини мукаммаллаштириб боради. Бундай ҳолатда мустақил таълим шахснинг ишида, ўқишида, шахсий ҳаётида ва турли соҳалардаги ҳаётий лавҳаларида ўз имкониятларинин тўла амалга оширишларига ҳамда жамиятга кўпроқ фойда келтиришларига хизмат қиласди. Умуман, таълим жараёнида мустақил фаолиятнинг элементларидан фойдаланиш ўқув жараёнини бойитишга, талабалар чуқур билим олишини таъминлашга, фикрлаш қобилиятини ўстириш ва кенгайтиришга ҳамда таълимнинг асосий мазмунли қисмини мустаҳкамлашга хизмат қиласди. [7-8]

АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти М.Ш. Мирзиёевнинг “Ўзбекистон Республикасида юридик таълим ва фанни тубдан такомиллаштириш бўйича қо’шимча чора тадбирлар тўғрисида 2020 йил 29 апрелдаги ПФ-5987-сон Фармони.
2. Усмонов Б.Ш. Хабибуллаев Р.А. Олий ўқув юртларида ўқув жараёнини кредит модул тизимида ташкил қилиш. Ўқув кўлланма Тошкент 2020 йил
3. Бабанский К. Метод обучения в общеобразовательной школе . Москва (1985). Стр. 16-18.
4. Уринова А. З. ТЕХНОЛОГИЧЕСКАЯ ЭФФЕКТИВНОСТЬ ПРОИЗВОДСТВА КАРАКУЛЬСКОЙ ПРОДУКЦИИ //Вестник науки. – 2023. – Т. 3. – №. 5 (62). – С. 972-977.
5. Уринова А. З. Усовершенствование технологии разработки и применение жирующих композиций кожи //Вестник науки. – 2022. – Т. 3. – №. 3 (48). – С. 131-136.
6. Уринова А. З., Мустакимова Х. М. РАЗРАБОТКА ЖИРУЮЩИХ КОМПОЗИЦИЙ, ПРИМЕНЯЕМЫХ В КОЖЕВЕННО-МЕХОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ //Вестник науки. – 2022. – Т. 3. – №. 3 (48). – С. 137-144.
7. Уринова А. З. и др. Виды сварных соединений и их применение в швейном производстве //Молодой ученый. – 2016. – №. 7. – С. 201-204.
8. Shodiev Z. et al. Determination of heat efficiency in drying cotton raw materials in cotton grinding factories //Journal of Physics: Conference Series. – IOP Publishing, 2022. – Т. 2388. – №. 1. – С. 012177.